Television as a form of entertainment for society was invented at the beginning of the last century, but, nevertheless, the 21st century gave us digitalization, thanks to which boundless horizons for the educational process opened up. In our research, we look at the possibilities of using authentic medical fictional films for medical students. Due to the complexity of teaching a future profession, learning English is complicated by the presence of polysyllabic medical terminology, which requires the use of an interesting form of language learning based on cinema.

The undoubted advantages of video films are: *authenticity; informative richness; concentration of linguistic means; emotional impact on students.*

Viewing non-dubbed films produced in English-speaking countries provides an excellent opportunity to perceive and work with the spoken language of native speakers. Their use contributes to the implementation of the most important requirement of the communicative methodology - to present the process of mastering a foreign language as comprehension of a living foreign language culture; individualization of training and development, as well as motivation of the speech activity of students

The main advantage of medical fictional films in the study of the language by medical students is their authenticity.

Authentic materials are materials taken from original sources, which are characterized by the naturalness of lexical content and grammatical forms, the situational adequacy of the language means used, illustrate cases of authentic word use

and which, although not specifically intended for educational purposes, can be used in teaching a foreign language.

In the process of watching, one episode can be devoted to a specific diagnosis with accompanying symptoms, as well as unrelated diseases and names of medical equipment. Modeling a real situation cannot replace any textbook or even a specialized dictionary on the quality of teaching the language of medical topics. Concentrating on one series, which can be given by the teacher as homework, students are immersed in a real situational world with the subsequent development of the knowledge gained. Since students are not limited in time, the plot of the film is monitored for an unlimited number.

There is an activation of the written and oral use of a foreign language based on the information received after watching the film. The teacher in the next lesson can give assignments aimed at: film presentation, discussion / comparison, questionnaire, providing an alternate ending, discussion of a specific episode, questions for critical thinking on the topic

Illustrations, visual images and associations serve the student as additional tools in the study of language and medical terminology. Only, albeit artificially, but immersed in the linguistic environment, the efficiency of such a study can reach its climax. Thus, video materials, selected in accordance with the interests and needs of students, contribute to the creation of a professional speech environment, which is so lacking for students when teaching a foreign language.

AHOLI ORASIDA HAVOTIR SINDROMINI ERTA ANIQLASH

A.X.Mirzayeva, S.Z.Saydalixodjayeva, Z.N.Boboyeva, A.M.O'rinov,

Toshkent Tibbiyot Akademiyasi, Toshkent

Aholi va hasta insonlar orasida havotir sindromini erta aniqlash kasallik rivojlanishi, hamda asoratlarini oldini olish, korreksiya qilish imkoniyatini beradi.

Tadqiqot maqsadi. Aholi va terapevtik 'kasallar o'rtasida havotir sindromini tarqalish darajasini aniqlash va uning korreksiyasi.

Material va metodlar. 48 nafar tekshiriluvchi. Tekshiriluvchilar A, B guruhlarga ajratildi. A guruh terapiya bo'limida davolanayotgan 24 nafar bemor, ularning o'rtacha yoshi 30-65, B guruh 24 nafar talabadan iborat bo'lib, ularning o'rtacha yoshi 19-22. Barchasi psixofiziologik tekshiruvlardan o'tkazildi. Psixofiziologik testlardan Spilberger-Xanin, Gamiltonning havotir shkalasi testlari qo'llanildi.

Olingannatijalar. Spilberger-Xanin testi bo'yicha A guruh natijalari 17nafar bemorda kuchli ($70,5\pm 3,7$), 5 nafar bemorda o'rta ($20,8\pm 3,2$) va 2nafar bemordayengil darajadagi havotir ($8,3\pm 1,1$) aniqlandi. Gamiltonning havotir shkalasi testibo'yicha 19nafar bemorda og'ir ($79,1\pm 4,3$), 3nafar bemorda o'rta ($12,5\pm 2,7$) va 2nafar bemordayengil ($8,3\pm 1,9$) darajali havotir aniqlandi. Bguruh natijalari kuchli havotir aniqlanmadi, 6 nafar bemorda o'rta ($25\pm 3,2$) va 18 nafar talabadayengil darajadagi havotir ($75\pm 1,1$) aniqlandi. Gamiltonning havotir shkalasi testibo'yicha og'irdarajadagi havotir aniqlanmadi, 8 nafar bemorda o'rta ($33,3\pm 2,7$) va 16nafar bemordayengil ($66,6\pm 1,9$) darajali havotir aniqlandi. Suhbat davomida havotir aniqlangan bemorlarda algik simptomlar psixoemotsional stresslar (oilaviy disgormoniya, frustratsiya, ijtimoiy xolatlar, yaqin kishisini yo'qotish) oqibatida provakatsiya qilinganligi aniqlandi. Yuqorida keltirilgan bemorlarda qilinayotgan davo kutilayotgan samara bermaganligi bois, psixologik davolash usullardan foydalanildi. Psixoterapiya va psixofarmakoterapiya muolajalaridan so'ng bemorlarning ahvoli yaxshilandi va klinik simptomlar bartaraf etilganligi kuzatildi.

Xulosa. Aksariyatsomatik 'kasallarasosidayashirin havotir sindromi yotadi va ularni erta aniqlash davo samarisini oshiradi. Talabalar orasida havotir sindromini tarqalishi keyinchalik turli xil somatik 'kasallarni keltirib chiqarishi mumkin, ularni o'z vaqtida to'g'ri korreksiya qilish kasallik oldini olishda katta ahamiyat kasb etadi. Korreksiya qilishda psixoterapiya va psixofarmakoterapiya keng foydalanish tavsiya etiladi.

PROBLEMS OF TEACHING BIOPHYSICS IN A MEDICAL UNIVERSITY

U.M. Abdujabbarova, V.P. Ubaidullaeva

Tashkent medical academy, Tashkent

In medical education, teaching a course in biophysics aims to form students' knowledge of the physics of the human body and the physical properties of living systems, but we must not forget about the formation of general cultural competencies, such as the formation of logical thinking skills, the ability to correctly formulate tasks and the formation of skills to choose priority areas when solving professional problems.

Problems in teaching a discipline at a medical university are primarily associated with close interdisciplinary ties with other subjects that are taught at the university. Based on their teaching problems, it is possible to formulate the main provisions that serve as the objectives of the course in biophysics:

- disclosure of the physical laws of the human body, as an open nonequilibrium system.

- theoretical substantiation of the influence of physical phenomena on the vital functions of the human body,
- the use of physical phenomena in the study of living systems and impact on the body.

Since biophysics considers the human body as an open thermodynamic system, then biophysics should be considered primarily in connection with the biological sciences; it can also be argued that biophysics is the chemical physics of biological systems. Therefore, the teaching of biophysics should be carried out in direct connection with the chemical and biological sciences, knowledge of biophysics should be superimposed on the knowledge gained in the study of these subjects, and biophysics should become the basis of new biological and chemical knowledge. Accordingly, an insufficient level of biological and chemical knowledge will certainly make itself felt in the study of biophysics. The second problem, formulated by us above, speaks of the relationship between biophysics and physiology. Physics and physiology examines the functional properties of an organism, which cannot be penetrated without knowledge of the physicochemical nature of the phenomena occurring in the organism. And, consequently, the main educational task of teaching biophysics is to instill in students the understanding that biophysics is a single subject with the main disciplines taught when receiving medical education. First of all, it is necessary to show the connection between biophysics and the subjects that will be taught in senior courses. If we talk about the third task of teaching, then knowledge is laid in it for the study of all special disciplines that speak of the possibility of influencing medical manipulations with a therapeutic purpose.

МИКРОБИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МАСОФАВИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ДАРСЛАРНИНГ ТАЛАБАЛАР ЎЗЛАШТИРИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев У.М.

Тошкент тиббиёт академияси

Олий ва касб-хунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўқитиш шаклларида оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим.

Муаммонинг долзарблиги. Глобал тармоқ ривожланиб борар экан таълим жараёнини ҳам масофадан олиб боришга эҳтиёж туғилади. Пандемия эса узок вақтдан бери айтиб келинаётган масофавий таълимга ўтишни жадаллаштирди.

Назарий жихатдан жараён, ҳам ўқитувчи, ҳам талабага қулайлик туғдиради. Яъни амалий машғулотларни бошқача форматда ўтказганда ўқитувчи талабаларга маъруза ёки платформада жойлаштирилган материаллар бўйича тушунтириш бериб, савол-жавоб тарзида дарс ўтади. Ўқитувчининг талабалар билимини баҳолаш учун тузиладиган топшириқларга кўпроқ вақт сарфлаб, уни сифатли ишлаб чиқиши талаб этилади. Анъанавий дарсларда эса бевосита ўқитувчи назорати остида талабалар баҳоланади. Амалий кўникмаларни талабаларга етказишда ҳам ушбу усулларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади: Тиббийтаълимдаги масофавий ўқитишдаги ютуқ ва камчиликларни микробиология фани мисолида кўрсатиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти тиббий-профилактика факультетининг 305 гуруҳ 12 нафар талабалари, предмети эса талабаларнинг амалий машғулоти, мустақил ишини модул платформада ва анъанавий усуллар асосида олиб бориш.

Натижалар ва муҳокама. Тадқиқот модул платформада ва анъанавий тарзда аудиторияда олиб борилди. Тадқиқот натижалари 6 та масофавий ва 6 та анъанавий дарсдаги талабаларни баҳолаш натижаларини солиштириш орқали аниқланди. Ҳар бир дарс топшириқлари вазиятли масала, мустақил иш ва тест назорати кўринишида олиб борилди. Анъанавий дарсларда интерфаол усуллардан ҳам фойдаланилди. 6та дарс таҳлилига кўра модул дастурида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичи 12 нафар талабадан 12 нафар (100%), сифат кўрсаткичи эса ўзлаштирган 12 нафар талабадан 10 нафар (83,33%)ни ташкил қилди. Анъанавий дарсда эса ўзлаштириш 12 нафар талабадан 11 нафар (91,67%)ни, сифат эса 10 нафар (83,33%)ни ташкил этди. Ҳар икки усулни солиштириш адолатли бўлиши учун модул дастурдаги дарслар ҳам анъанавий усулдаги дарслар ҳам қисқа савол-жавоб, тест, зинама-зина усуллари орқали қайта текшириб кўрилди. Натижалар таҳлил қилинганда қизиқ ҳолат вужудга келди. Яъни, модул тизимида ўтказилган дарсларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин равишда тушиб кетди, мос равишда ўзлаштириш 67,7%, сифат кўрсаткичи эса 50% ни ташкил қилди.

Хулоса. Олинган натижалардан маълум бўлдики, модул дастурида вақт ва масофа қисқариши баробарида ўзлаштириш даражаси пасаяр экан. Бунга сабаб микробиология фанидан ҳар бир дарсда лаборатори ишлари ва амалий

кўникмалар мавжуд бўлиб, талабалар ушбу ишларни аудиторияда мустақил бажармасалар фанни тўлиқ ўзлаштира олмас экан.

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ И ЗДОРОВЬЕ СТУДЕНТОВ В ВУЗАХ

Арипова В.

*кафедра Реабилитологии, народной медицины и физической культуры,
Ташкентская медицинская академия*

Одной из приоритетных задач модернизации образования является сохранение и укрепление здоровья обучающихся, формирование у них ценности здоровья и здорового образа жизни. Студенты – это особая социальная группа, характеризующаяся специфическими условиями труда и жизни. Ослабленное чаще всего еще до вуза состояние организма и психики, экологические проблемы, недостаточное питание, гиподинамия, невысокий в целом уровень культуры здоровья обуславливает то, что более половины студентов нездоровы, у многих – расстройства адаптации различного регистра. За время обучения у студентов происходит дальнейшее ухудшение здоровья, обусловленное как объективными (социальными, экономическими, гигиеническими, психологическими), так и субъективными (в основном нездоровым образом жизни) причинами, что подчеркивает актуальность рассматриваемой проблемы. Данное положение усугубляется еще и тем, что сокращено число профилактических осмотров, не действует система диспансерного наблюдения, снижен научно-исследовательский интерес к проблемам молодого поколения, считающегося уже взрослым.

Кроме гуманитарного аспекта, выражающегося в самооценности здоровья, проблема имеет и четко выраженную социально-экономическую сторону, поскольку здоровье – одно из обязательных условий полноценного выполнения человеком своих социальных, в т.ч. профессиональных, функций. Отсюда следует, что забота о здоровье студентов есть важнейшая задача в деле профессиональной подготовки. Как заинтересованная сторона, вуз должен выступать инициатором и организатором целенаправленной и эффективной работы по сохранению, реабилитации и приумножению здоровья студенческого контингента, в том числе и средствами физического воспитания.

Физическое воспитание в вузах осуществляется в соответствии с Федеральным государственным образовательным стандартом высшего образования. Физическое воспитание и спорт как учебный предмет относится к

базовой части программы бакалавриата и является обязательным для освоения обучающимся вне зависимости от направленности (профиля) программы бакалавриата, которую он осваивает. Свои образовательные и развивающие функции «Физическое воспитание и спорт» наиболее полно осуществляет в целенаправленном педагогическом процессе физического воспитания, который опирается на основные общедидактические принципы: сознательности, наглядности, доступности, систематичности и динамичности. Учебная дисциплина «Физическое воспитание и спорт» тесно связана не только с физическим развитием и совершенствованием функциональных систем организма молодого человека, но и с формированием средствами Физическое воспитание и спорт жизненно необходимых психических качеств, свойств и черт личности. Все это в целом находит свое отражение в психофизической надежности будущего бакалавра, в необходимом уровне и устойчивости его профессиональной работоспособности.

ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БИОЭТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Атамуратова Ф.С.

Тошкент тиббиёт академияси

Сўнги ўн йилликларда тиббиёт ҳамжамияти шифокорлик касбининг муҳим жиҳати бўлган ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки, глобаллашув даврининг салбий кўринишларидан бири, ахлоқий нормалар, принциплар ва кадриятларнинг тубдан ўзгариши инсоннинг маънавий қиёфасини ўзгартириб юборди, инсоний кадриятларнинг трансформациясига олиб келди. Бундай ўзгаришлар тиббиётда ҳам ўзини намоён этди. Шу сабабли ҳам замонавий тиббиёт шифокордан инсонпарварлик, меҳрибонлик, раҳм-шафқат, эзгулик, саховат, ҳиммат, инсофу адолат, сабру қаноат каби умуминсоний кадриятларга эга бўлишни, нафақат беморга, балки унинг қариндош ва яқинларига нисбатан ҳам гуманизм тамойили асосида ёндашувини талаб этмоқда. Илмий таҳлил ва хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу вазифани амалга оширишда тиббиёт олий ўқув юртларининг қуйи босқичларидан бошлаб Биоэтика фанини чуқур ўргатиш яхши натижалар бермоқда.

Биоэтика академик фан сифатида Америка ва Европа мамлакатларидаги фалсафий ва тиббиёт университетларнинг таълим стандартларига киритилган бўлиб, Россия тиббиёт олиёғҳларининг таълим стандартларига 2000 йилдан,

Белоруссия, Молдова, Украина, Қозоғистон, Грузия, Литва, Латвия, Эстония каби давлатлар тиббий олийгоҳларида эса 2000 йилдан кейинги бўлган даврдан бошлаб ўқитилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида Биоэтика фани Тошкент Давлат Стоматология Институтида 2016-2017 йилда танлов фан сифатида, 2018 йилдан 1-блок фанлар қаторида 36 соат ҳажмда (18 соат маъруза ва 18 соат семинар машғулоти) 2 курс барча факультет талабаларига ўқитилган. 2020-2021 ўқув йилидан эса Биоэтика барча тиббий олийгоҳлар таълим дастурларига мажбурий фан сифатида киритилди. Бунга Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 3151, 2956, 5274-сонли буйруқларидаги ўқув жараёнида халқаро таълим стандартларига асосланган дастурлар ва ўқув дарсларини кенг жорий этиш вазифалари асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни айтиш лозимки, Биоахлоқий билимлар тизими ижтимоий институт сифатида фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, Биоэтика мураккаб экзистенционал танловлар ва қарорлар қабул қилишни кўндаланг қилиб қўядиган кўплаб зиддиятли масалалардан иборат бўлиб, ҳар қадамида инсон борлиғи билан тўқнашади. Ҳаёт ва ўлим, ўлиш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи ва кадр-қимматни ҳурмат қилиш, адолат каби Биоэтиканинг фундаментал муаммолари энг муҳим фалсафий муаммолар қаторига киради. Уларнинг ечимини эса инсоннинг моҳияти ва ҳаётининг мазмуни, дунёнинг онтологик тузилиши ва уни билиш усуллари тўғрисидаги фалсафий масалаларга таянган ҳолда топиш мумкин[1].

Тиббий амалиётнинг тор масалалари, биринчи навбатда, аниқ фалсафий нуқтаи назардан ҳал қилиниши керак – фақат шундагина биз ҳақиқий Биоэтикани яратишга қодир бўламиз.

Дунёда инсонийликнинг сақлаб қолмоқчи эканмиз, барча соҳалар каби тиббиётда ҳам, унинг асосларини шифокорлар шаклланаётган даврдан бошлашимиз керак ва бунинг учун Биоэтиканинг назарий ва амалий асосларини табаларимизга чуқур ўргатишимиз зарур.

ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ

Ахмедова Н.А., Алиева К.К.
Тошкент тиббиёт академияси

Бугунги кунда таълим тизимида кечаётган инновацион жараёнлар саводли, интеллектуал жиҳатдан баркамол инсонларни тайёрлашни такомиллаштириш учун захиралар излаш масаласини кўндаланг кўймоқда. Бугунги кунда билимларини ҳаётий вазиятларга татбиқ эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш лозим. Талабаларкатта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, ихтиёрий фанларбилан шуғулланиши учун замонавий воситалар, услублар ва технологияларни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда «Ички касалликлар» фанини бошқа фанлар билан интеграциялаштириш эҳтиёжи туғилганлиги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса таълим имкониятларини кенгайтириш, услубий бойитиш ва билим бериш сифатини ошириш имкониятини яратади.

Таълим тизимида фанлар интеграциясини жорий этиш жамиятимизнинг таълим олдига қўйган буюртмасини ечишга имконият яратади. Бир нечта фанларнинг ўзаро интеграцияси куйидаги имкониятларни яратади: 1. Фанларнинг узвий боғланишидан фанлараро узлуксиз боғланишга ўтиш билим олишни осонлаштиради ва талабаларга бир объектда қўлланиладиган усулларни иккинчи объектга қўллаш имкониятини яратади; 2. Фанлар интеграцияси тузилмасидаги муаммоли вазиятларнинг кўплиги талабанинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради; 3. Интеграция дарсинг ахборот ҳажмини оширади; 4. Интеграция турли фанларни ўрганишда талабаларнинг муайян кузатишлари, хулосаларини тасдиқлайдиган ёки чуқурлаштирадиган янги омилларни топишга имкон яратади. 5. Интеграция ўқишга ундовчи восита ҳисобланади. У талабаларнинг ўқиш билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради, зўриқиш ва чарчоқдан ҳоли бўлишга кўмаклашади. Ўқув материалининг интеграциялашуви талабалар ижодини такомиллаштиришга ёрдамлашади, уларга ўзлаштирган билимларни ҳаётий шароитларда қўллаш имконини беради.

«Ички касалликлар» фанининг бошқа ўқув фанлари билан интеграцияси ҳам юқорида келтирилганларни амалга оширишга имконият яратади. Фанларни интеграциялашган ҳолда ўқитиш уларнинг туташ мавзуларини бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш учун имкониятини яратади. Интеграциялаш фанларни ўқитишнинг янгича ёндашувидир. Бундай дарслар турли фанларнинг ўқув материалларини бир-бирини тўлдириши ҳисобига вақтни тежаш имкониятини беради. «Ички касалликлар» фани – бу деярли барча таълим йўналишларидаги фанларни боғлаш имконини берадиган универсал боғловчи бўғиндир. Талабаларнинг тайёргарлик даражасига мос равишда барча таълим йўналишлари учун интеграциялашган дарс қуриш, интеграциялашган

топшириклар ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, «Ички касалликлар» фанида «Меъда ва 12 бармоқли яра касалликлари» мавзусини ўрганаётганда «Хирургия» таълим йўналиши мутахассислиги бўйича талабаларга хазм тизими фаолиятининг қиёсий таҳлилидан фойдаланамиз. Бу ҳолда тўртта асосий жараён: ахборотни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни ажратамиз.

Юқорида келтирилган материалдан кўриниб турибдики, хирургия билан «Ички касалликлар» фанининг интеграциялашуви натижасида дарслар ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилади. Худди шунингдек, мазкур фанни ўрганиш жараёнидаги интеграция масаласи бошқа фанлар мисолида ҳам қаралиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, таълимда фаннинг интеграциялашуви талабаларга алоҳида ёндашиш имконини беради. Билимларни тизимга солиш, ҳар томонлама ривожлантириш, ижодий ёндашув, билим орттиришга қаратилган мотивация – буларнинг барчаси интеграциялашган ўқитиш берадиган фойдали имкониятлардир.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ДЛЯ ОЦЕНКИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ ПРИ ДИСТАНЦИОННОМ ОБУЧЕНИИ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ COVID-19

Маматкулов Б.М., Уразалиева И.Р, Инаков Ш.А., Тураев Б.Ш.

*Школа общественного здравоохранения,
Ташкентская медицинская медицина*

Одним из наиболее важных и актуальных проблем, стоящих перед мировыми сообществами высших образовательных учреждений, во время пандемии коронавирусной инфекции, является проблема рациональной организации работы по оценке знаний студентов. В свою очередь, дистанционное обучение позволяет освоить новые инновационные технологии в сфере образования, тем самым, улучшая компетенции профессорско-преподавательского состава Вузов.

В Интернете имеются множества платформ, как бесплатных, так и платных, по интерактивному обучению и оценке усвояемости учебного материала со стороны студентов. К ним можно отнести quize.com, quizzizz.com, kahoot.com и другие.

Профессорско-преподавательский состав Школы общественного здравоохранения Ташкентской медицинской академии широко использует некоторые выше перечисленные платформы для оценки знаний студентов по общеметодологическому предмету «Менеджмент и экономика здравоохранения».

Используя платформу moodle.tma.uz все студенты были зачислены в выше названный предмет, где их знания оцениваются тестовыми вопросами и письменными ответами. При этом, чтобы привлечь к действию студента в данной платформе, ему/ей нужно сначала ответить на контрольные вопросы по каждой теме в письменном виде и отправить модератору, после чего функция тест становится активной и дает возможность студенту набирать дополнительные баллы при их решении. Однако, на эти две методы оценки студентам дается 50 баллов из всевозможных 100, 20 баллов за тест и 30 баллов за письменный ответ. Остальные 50 баллов студент должен получить после участия в одном из вышесказанных платформах по интерактивной оценке их знаний.

Ссылки на интерактивную оценку по каждой теме отправляется в Telegram канал, куда модератор изначально добавляет всех студентов своей группы. Удобства платформы поинтерактивной оценки знаний студентов является то, что модератор может создать разного вида вопросы, такие как, вопрос с множеством ответов (multiple choice answer), открытый вопрос с дальнейшим написанием ответа студента, вопрос “верно и неверно”, вопрос с ответами по указанию их порядка и т.д. Кроме этого, модератор может установить крайний срок сдачи интерактивного задания. После завершения срока, модератор может скачать ответы студентов в виде Excel файла и приложить файл в платформу moodle.tma.uz как основания для поставки их оценок.

На этом тезисе, мы хотим ознакомить академического сообщества об интерактивной платформе Quizizz.com для оценки знаний студентов. Данная платформа имеет очень дружелюбный интерфейс, прост в использовании. Для создания интерактивной задачи по оценке знаний студентов по определенной теме нужно выполнить следующие шаги:

1. Создать свой аккаунт: для этого требуется нажать на кнопку «signup», где можно зарегистрироваться с помощью Google, указав свою электронную почту в gmail.com или через электронную почту любого провайдера.

2. Создать quiz в своем кабинете: для этого нужно нажать на кнопку “create” далее на “quiz”, после чего выйдет окно, куда нужно написать тему интерактивной задачи и выбрать соответствующую сферу деятельности, например, образование “education”.

3. Создать интерактивные вопросы: для этого нужно нажать на кнопку “new question” далее выбрать тип вопроса, такие как, с множественными ответами “multiple choice”, выбрать несколько ответов “checkbox”, заполнить поля “fill-in-

the-blank”, голосование “poll”, открытый вопрос “open-ended” или же добавить слайды “slide”.

4. Опубликовать интерактивную задачу. После внесения всех вопросов, нужно нажать на кнопку “done” и далее установить крайний срок для сдачи задания по кнопке “assignhomework” и отправить ссылку всем студентам.

Преимуществами платформы quizz.com является бесплатность, использования интерактивных вопросов для оценки знания студентов, привлечения студентов активно участвовать в задании с помощью аудиовизуальных эффектов, геймификация, т.е. проведения задания в виде состязания, где наиболее правильно ответивший студент получает баллы и виртуальный приз, возможность скачать ответы в виде файла Excel.

Недостатками данной платформы можно считать указания всех функций на английском языке, а также, для полной возможности пользоваться ее функциями нужно оплатить 5 долларов США в месяц или 60 долларов США в год.

Выводы:

1. Интерактивные платформы по оценке знаний студентов является актуальной проблемой во время дистанционного обучения студентов при пандемии COVID-19.

2. Имеются множества платных и бесплатных интерактивных платформ в Интернете.

3. Опыт Школы общественного здравоохранения TMA, quizziz.com, показывает эффективность использования таких интерактивных платформ для рациональной оценки знаний студентов по освоению учебного материала.

COVID-19 PANDEMIYASI VAQTIDA BOLALAR XIRURGIYASI KAFEDRASIDA on-line REJIMDA TALABALARNI O'QITISH

**Shamsiyev J.A Bayjigitov N.I Yusupov Sh.A Ataqulov J.O.,
Mahmudov Z.M.**

*Samarqand davlat tibbiyot instituti,
SamDTI 2-klinikasi*

COVID-19 pandemiyasi kafedrada o'quv ishlarini olib borishni murakkablashtirdi va o'qitish metodikasini qayta ko'rib chiqishni talab qildi.

Ushbu vazifani bajarish uchun kafedra o'qituvchilari masofaviy modulli o'qitish tizimidan faol foydalandilar (masofadan o'qitishning elektron nomi mt sammi.uz). 2 - SamMI klinikasi negizida joylashgan 1-sonli bolalar jarrohligi kafedrasida ushbu

maqsadga erishish uchun modulli tizim platformasida, pediatriya fakultetining 6-kurs talabalari uchun "bolalar jarrohligi" fanini o'qitish sifatini oshirish uchun standart dastur, kalendar-tematik reja, ma'ruzalar, amaliy ko'nikmalar, situatsion topshiriqlar va test materiallari, kerakli ilmiy adabiyotlar ro'yxati, turli ilmiy manbalardan olingan nashrlar ko'rsatilgan. Mamlakatda joriy qilingan karantin choralari tufayli kafedra professor-o'qituvchilari tomonidan talabalarga dars berish masofadan turib ZOOM platformasi yordamida amalga oshirildi.

O'qituvchi har kuni talabalarining bilimlarini baholab, ularga olgan natijalarini elon qiladi. O'qitish uchun ajratilgan soat soniga qarab, kafedra mudiri yoki kafedra professori ham masofadan turib olingan bilimlar bo'yicha talabalarining oraliq va yakuniy so'rovlarini o'tkazdilar. Amaliy mashg'ulotni klinik bazada o'qish imkoniyati bo'lmagan talabalar uchun shu bilan birga, darslar davomida o'qituvchi, kafedra professor-o'qituvchilari va boshqa tegishli bo'limlar bilan video aloqadan foydalangan. Shunday qilib, talabalar tomonidan og'zaki mavzularga muvofiq bilim, qobiliyat va ko'nikmalarni o'zlashtirish uchun qulay sharoitlar yaratildi, ammo 1-son bolalar xirurgiyasi kafedrasida bolalar xirurgiyasi fani 6 kurs bitiruvchi talabalarga asosan amaliy ko'nikmalar va bemorlar bilan bevosita muloqat qilib ishlashga bo'lgan ehtiyojni on-layn va ZOOM platformasi yordamida amalga oshirish imkoniyati to'liq mavjud emas.

Shunday qilib, COVID-19 pandemiyasi paytida mt sammi.uz platformasida yaratilgan elektron ta'lim tizimi dolzarb ma'lumotlarni taqdim etish imkoniyatini beradi va bolalar jarrohligi bo'limida on-layn rejimida talabalarga ta'lim berish imkoniyatini berdi.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Авезова Г.С., Адилова З.У., Шоюсупова Х.Б., Абдурахимов Б.А.

Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби,

Тошкент тиббиёт академияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиғи ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болоня жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан

олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999-йил 19-июндаги Болонья декларациясига кўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилабқўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришнинг таклиф этилиши, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш, олий таълимда ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказиш, қатор олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш, таълим соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш масалалари шу куннинг долзарб масалалари эканлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу мурожаатномада биринчи ўринга халқнинг билим даражасини ошириш масаласи қўйилган, бу эса миллатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, табиийки, ушбу ҳужжатда замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий таълим тизимини яратиш муаммосининг элементлари ҳам ўз аксини топган.

1999 йилда 29 та давлат томонидан Болоньяда ягона таълим муҳитини яратиш жараёнида иштирок этиш ҳақидаги Декларация имзоланди. Унинг мақсади таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, академик ва касбий тан олишни енгиллаштириш ва битирувчиларнинг ишга жойлашиш имкониятларини таъминлашга қаратилди. Болонья жараёни барча давлатлар учун очик бўлиб, бугунги кунга келиб иштирокчи давлатлар сони 50 га яқинлашиб қолди.

Кредит таълим тизими дунёнинг турли давлатларида у ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга қарамасдан, кредит таълим тизимининг самараси ва мақсадга мувофиқлиги унинг кўплаб дунё давлатлари таълим тизимларида кўпроқ тарқалганлиги билан асосланилади, чунки таълим дастурларининг талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши ижодий фаолликни ва билим олишга ўзини сафарбар қилишга, охир-оқибат таълим сифатини оширишга имкон беради.

Маълумки, талабанинг умумий юкламаси аудитория ва мустақил таълим юкламаларидан иборат. Амалдаги таълим тизимида аудитория юкламаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда, лекин мустақил иш турлари ҳали оммалашмаган. Кредит тизимида энг аввало талабанинг мустақил ишига жиддий эътибор қаратилади.

Кредит бу баҳо эмас, балки иш ҳажми ҳисобланади. Масалан, талаба 5 кредитлик фанни ўзлаштирган бўлса, у 5 кредит ҳажмидаги ишни бажарган ҳисобланади, яъни у ушбу фаннинг маърузаларида, амалий ва лаборатория машғулотларида қатнашган, мустақил иш топшириқларини бажарган ҳисобланади. Демак, бу фанни ўзлаштирган талаба уни қандай баҳога ўзлаштирганидан қатъий назар у 5 кредитни қўлга киритади.

Ҳозирги таълим тизимида ҳалигача “ўқитувчининг ўзи ўқитиб - ўзи баҳолаш” амалиётини кузатиш мумкин. Кредит-модуль тизимида эса ўқитувчи асосан ўқитиш билан шуғулланади. Баҳолашни эса комиссия амалга оширади. Яъни, педагоглар “лектор” ва “тьютор” ларга ажратилади. Лектор – назарий билим беради, тьютор – назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиради, оддий қилиб айтганда талабаларни имтиҳонга тайёрлайди. Имтиҳонни эса комиссия қабул қилади.

Тошкент тиббиёт академияси жамоат соғлиғини сақлаш мактабида ўқитилаётган фанлар бўйича янги ўқув режалар тасдиқланиб, фан дастурлар ишлаб чиқилди. Фанлар бўйича магистр талабаларни баҳолаш низоми қайта кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Талабалар билимини баҳолашда очиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида, якуний назорат ишлари ёзма равишда қабул қилиниб, унда талабанинг исми шарифи кодланади, ёзма назоратни текшириш учун ЖССМ доцентларидан таркиб топган комиссия аъзоларига ёзма ишлар тарқатилади ва текширилади. Якуний назоратни бундай баҳолаш очиклик ва шаффофлик тамойилларига тўлиқ амал қилинади. Натижада ҳар бир магистр талаба ўз бидим ва кўникмасига мос равишда баҳоланади.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Бобоева Р.Н.

Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи

2020 йилда дунёнинг кўплаб мамлакатлари илк марта онлайн таълим билан боғлиқ тажрибаларни амалда қўллаб кўрди. Шу қатори Ўзбекистонда ҳам вазиятдан келиб чиққан ҳолда маълум муддат масофавий тарзда ташкил қилинди. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бир хил эмаслигини, бундай таълим усулида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида юзма-юз мулоқат бўлмаслигини эътиборга олсак, бу вазият қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Бирок ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедия)лардан кенг фойдаланган ҳолда дарсни ташкил қилиш, ўқув материалларини етказиб беришда инновацион шакл, методлардан ва Zoom дастуридан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирди.

Замонавий компьютер технологиялари усулларида фойдаланиш куйидаги афзалликларга эга: 1. Лаборатория дарсларида кимёвий реактивлар тежаллади. 2. Ўзлаштирилаётган материалларни бир неча қайта намоёни қилиш мумкин. 3. Махсус компьютер программалари ёрдамида ўзгартириш киритиш мумкин. 4. Вақт тежаллади. 5. Яратилган электрон дарс ишланмалари ва лаборатория дарслари ишланмаларидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Биологиядан шундай мавзулар борки, ундаги жараёнларнинг механизмини ва кетма-кетлигини бевосита кўрсатишнинг иложи йўқ (масалан, “Қўш уруғланиш”, “Оқсил биосинтези”, “Фотосинтез”, “Ерда Ҳаётнинг пайдо бўлиши”, “Одам эволюциясининг асосий йўналишлари”, “Моддалар ва энергия алмашуви”, “Эмбрионал ривожланиш босқичлари”, “Эндокрин безлар функцияси”, “Хазонрезлик”, “Экосистемада организмларнинг ўзаро муносабатлари” ва бошқалар). Маъруза дарсларида шу мавзудаги мультимедиялардан фойдаланиш ўқувчиларда яққол тасаввурни кенгайтириб, ўзлаштиришни осонлаштиради.

Маълумки, замонавий компьютер технологиялари усулларида бири – лаборатория машғулотларини компьютер системасидан фойдаланиб мустақил бажаришдир. Экранда ишни бажариш методикаси овозли тарзда тушинтириш билан берилади, ўқувчи сичқонча билан ишлаб лаборатория ишини ўзи бажаради, тажриба ўтказиш жараёни, пробиркаларда кимёвий моддалар

рангининг ўзгариши аниқ кўриниб туради. Шу тариқа билим олувчи жараёнда пассив тингловчи эмас, фаол иштирокчи сифатида қатнашади.

Шунингдек, масофавий таълим тизими ўқитувчиларни ўз устида кўпроқ ишлаш, ахборот технологияларидан мукамалроқ фойдаланишни ўрганишга, ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва тақдим қилишда самарали фойдаланиш, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни визуаллаштиришни амалга ошириш жараёнларини бошқариш имконини берди.

Пандемия шароитида масофавий таълимни ташкил қилиш натижаларини қуйидагича хулосалаш мумкин: 1. Ахборот коммуникацион технологиялардан, Zoom дастуридан кенг ва мақсадли фойдаланиш ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида юзма-юз мулоқотни ташкил қилиш, дарс самарадорлигини оширишга ёрдам берди. 2. Мультимедия ва видеодарс материалларидан кенг фойдаланиш ўқувчиларда билиш ва эслаб қолишни ривожлантиришга ёрдам берди. 3. Ўқитувчиларни ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни ўрганишга мажбур қилди.

ПОВЫШЕНИЕ МОТИВАЦИИ К ОБУЧЕНИЮ У БУДУЩИХ СЕМЕЙНЫХ ВРАЧЕЙ С ПОМОЩЬЮ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Халмухамедов Б.Т., Нуриллаева Н.М., Зубайдуллаева М.Т.

Кафедра Внутренние болезни №1, Ташкентская медицинская академия

Мотивы и отношение к профессии в целом влияют на эффективность учебы студентов, что существенно сказывается на общем уровне профессиональной подготовки. К мотивам учебной деятельности можно отнести: направленность на получение знаний, профессии, диплома. В поддержании этого критерия важную роль играют компьютерные технологии. Новые информационные технологии в учебном процессе являются мощным активизирующим средством. Их использование в естественнонаучном образовании позволяют интенсифицировать учебный процесс и делать его более результативным, т.к. изменяется характер взаимодействия субъектов образовательного процесса в сторону их большей индивидуализации и практической направленности. Высокий уровень компетентности преподавателя вуза в области образовательных технологий является одним из ключевых условий эффективности процесса их проектирования и реализации в условиях инновационного образовательного процесса в вузе.

Компьютеризация обучения позволяет не только выбрать логику изложения учебной информации, но и дает возможность сочетать тексты и графическую информацию со звуком и кинофрагментами. Благодаря использованию ИКТ на занятии можно показывать схемы, графики, формулы, анимацию изучаемых процессов и явлений, работу медицинского оборудования и экспериментальных установок, можно обратиться к интерактивным лекциям и обеспечить яркое представление учебного материала, использовать возможности интернета (видеоролики), облачных технологий.

Современные информационно-коммуникационные технологии позволяют получить доступ к практически неограниченным объемам информации, хранящейся в виртуальном информационном пространстве. Это предоставляет возможность при организации учебного процесса опираться на самые новые достижения науки и педагогические технологии, материалы, размещенные преподавателем на своих личных страницах, либо на сайте образовательного учреждения.

Известно, что в среднем с помощью органов слуха усваивается лишь 15% информации, с помощью органов зрения 25%. А если воздействовать на органы восприятия комбинированно, усвоенными окажутся около 65% информации.

Специфика использования учебного материала в электронном виде предполагает вовлечение участников учебного процесса в совместное "проживание" учебно-познавательных и эмоциональных ситуаций на основе собственных позиций каждого субъекта обучения. При таком обучении становится естественным наличие как бы двух центров: преподавателя и студента, взаимодействующих на основе партнерства и взаимного уважения.

К наиболее эффективным способам представления материала следует отнести мультимедийные презентации. Их использование возможно на любом этапе урока, что позволяет оперативно применять разнообразные средства обучения, способствующие более глубокому и осознанному усвоению студентами учебного материала.

Подготовка презентации дает возможность студенту проявить индивидуальный творческий подход к изучаемой теме. Для студентов медицинского ВУЗа крайне актуальным является практическое применение медицинских знаний и умений. Студенты сами могут создавать мультимедийные презентации и использовать их в своих ответах во время аудиторных занятий или

участвовать во внеаудиторных мероприятиях, обеспечивая интерактивный процесс обучения.

В обучающих компьютерных программах мультимедийные средства отображают сложные для наглядного плоскостного изображения органы и системы человеческого организма, модели молекул, механизмы реакций. В обучении дисциплинам медицинских специальностей положительно зарекомендовали следующие виды компьютерных технологий: презентации, обучающие программы, компьютерное тестирование. Развитие, расширение личной образовательной среды обучения студентов происходит не только за счет приращения обязательной учебной информации, но и за счет внешних образовательных сред (интернет, дополнительная учебная и научная литература, исследовательская деятельность). Студенты составляют базы информационных ресурсов по дисциплинам, подбирают литературу и дополнительные учебные материалы, создают презентации к докладам, результатам лабораторных работ, рефератам.

Обращение к электронным информационным ресурсам позволяет решить следующие задачи:

- использовать графическую, видео, анимационную и программную поддержку в подготовке элементов, применяемых в электронных образовательных ресурсах;
- увеличить количество и разнообразие источников учебной информации, доступных студентам;
- уменьшить затраты времени на выполнение рутинных операций;
- решать поисковые творческие задачи, в процессе чего формируются новые знания;
- усилить роль самостоятельной работы учащихся, в процессе которой более активно формируются необходимые умения и творческий подход к решению проблем;
- повысить оперативность и объективность контроля результатов учебной работы учащихся;
- организовать обучение по индивидуальным учебным планам.

Еще одним важным пунктом формирования мотивации к обучению у студентов-медиков с помощью современных информационно-коммуникационных технологий является исследовательская деятельность.

К исследовательской деятельности можно привлекать учащихся для того, чтобы научить их креативному мышлению, навыкам анализа и систематизации изучаемого материала, работе в команде, что крайне актуально в будущей профессиональной деятельности медицинских работников. Участие в исследовательской работе способствует формированию у студентов общих и профессиональных компетенций.

Методы исследовательской работы позволяют студентам-медикам овладеть умением построения последовательности: от идеи через задачи, через мозговой штурм до реализации и обоснования законченного проекта. В основе исследовательской деятельности студентов лежит развитие познавательных навыков, умений самостоятельно анализировать и систематизировать процессы окружающего мира, ориентироваться в информационном пространстве, находить пути решения и в итоге решать проблемы. Все это является ключевым условием для построения фундаментальной картины мира у студентов медицинского ВУЗа.

Повышение скорости передачи информации неизбежно требует внедрения новых современных информационно-коммуникационных технологий в обучении. Для этого необходим комплексный подход и требуются как технологические меры – оснащение новой техникой, интерактивными материалами и программами, так и личная заинтересованность, и активность студентов.

Изменение отношения студентов к учебе от инертного к активному и самодостаточному является условием для создания микросреды по мотивации к обучению, групп обучающихся и отдельных студентов. Все это укладывается в создание мотивации к учению при помощи современных информационно-коммуникативных технологий.

Таким образом применение ИКТ для студентов-медиков:

1. Источник дополнительной информации по изучаемым предметам;
2. Способ повышения интереса к обучению;
3. Способ самоорганизации учебного труда и самообразования;
4. Возможность реализации лично – ориентированного подхода
5. Способ расширения индивидуальной активности и социализации человека.

Обучение с помощью компьютеров дает наибольший эффект, в случае вовлечения студентов в активную когнитивную деятельность по осмыслению и закреплению материала, применению знаний в ходе решения познавательно-ситуационных задач. Компьютерные обучающие программы позволяют

студентам выполнять тренинговые упражнения, оказывают оперативную помощь в виде подсказок, разъяснения типовых ошибок и т.п. Усиление мотивации к изучению учебного материала осуществляется на основе различных приемов: связи изучаемого материала с жизнью, акцентирования внимания на главном, значении этого материала для сохранения здоровья и окружающей среды. Мотивация к профессии врача повышается за счет осознания значимости знаний для будущей профессии, как на непрофильных дисциплинах, так и на профессионально-направленных, за счет освоения определенных объемов теоретических знаний и приобретения практических навыков. При таком подходе важную роль играет мотивация познавательной деятельности, которая создается методами эмоционального стимулирования, учета личных учебных достижений студентов, за счет осознания успешности собственной деятельности, создания психологически комфортных условий обучения.

COVID -19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, САМАРАДОРЛИГИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ **Авезова Г.С.**

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Глобаллашув даврида таълим жараёнига анъанавий тушунчалар қаторига янги-янги воситалар кириб келмоқда. Ўқитиш ва таълим жараёни учун булар янгилик эмас. Ушбу иборалар ёнидан жой олган масофавий ўқиш, масофавий таълим ибораларининг кириб келиши таълим тизими такомиллашувини, яъни техника асрининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берувчи кучга айланмоқда.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртқи ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техника воситаларига асосланган таълим тизимидир. У таълим олувчига маълум стандартлар ва таълим қонун-қоидалари асосида ўқув шарт-шароитлари ва ўқитувчи билан мулоқотни таъминлаб бериб, ўқувчидан кўпроқ мустақил равишда шуғулланишни талаб қилувчи тизимдир. Бунда ўқиш жараёни таълим олувчининг қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Масофавий таълим – масофадан туриб ўқув ахборотларини алмашувчи воситаларга асосланган, ўқитувчи махсус ахборот муҳит ёрдамида, аҳолининг барча қатламлари ва чет эллик таълим олувчиларга таълим хизматларини кўрсатувчи таълим комплекси.

Дарҳақиқат, масофавий ўқитишдан узлуксиз таълим тизимида қандай фойдаланиш мумкин, унинг қандай шакл ва моделлари мавжудлиги соҳа мутахассисларини қизиқтириши мумкин. Инсоният йигирма биринчи асрнинг йигирманчи йилида дуч келган муаммолар, жумладан коронавирус пандемияси даврида бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар, хусусан, ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади. Таълим, ишлаб чиқариш ва кишилиқ жамиятида янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, интернет глобал компьютер тармоғининг ривожланиши бутун дунё таълим тизимини такомиллаштиришнинг янги йўналишлари очилишига сабаб бўлди. Биринчидан, ўқув муассасаларининг техник таъминоти кескин ўзгариши, дунёвий ахборот ресурсларга кенг йўл очилиши ўқитишнинг янги шакл ва усулларида фойдаланиш заруратини келтириб чиқарди.

неисправность оборудования, в 38% - ошибки операторов, в 4% - ошибки при проектировании производств. В медико-тактическом отношении аварийные ситуации характеризуются внезапностью поражения, массовостью поражений, наличием комбинированных поражений, загрязнением окружающей среды. В зоне производственной катастрофы отмечается преобладание тяжелых поражений и быстрое развитие интоксикации, дефицит времени у медицинской службы, необходимость оказания экстренной и эффективной медицинской помощи в сжатые сроки [1, 2].

Цель. Определить особенности и этапы оказания медицинской помощи при аварийных ситуациях на фармацевтических производствах

Материалы и методы. Аналитический метод исследования и обобщение результатов исследований по оказанию медпомощи.

Результаты. Последовательность этапов оказания медицинской помощи пострадавшим при аварийных ситуациях на производствах, в том числе и на фармацевтических предприятиях должны включать нижеследующие мероприятия: тщательный розыск пострадавших на задымленной территории и внутри горящих зданий, необходимость оказания медицинской помощи обожженным, получившим отравления угарным газом. Первая врачебная помощь оказывается на местекатастрофы в сжатые сроки с последующей организацией медицинской эвакуации в многопрофильные или специализированные лечебно-профилактические учреждения, оснащенных необходимыми лекарственными средствами и оборудованием. В очаге поражения организованная первая медицинская помощь в первую очередь должна быть направлена на сохранение жизни, в связи с этим все мероприятия проводятся как на месте поражения (в зараженной зоне), так и за ее пределами. Она оказывается рабочими, служащими объекта в порядке само- и взаимопомощи, личным составом спасательных и медицинских формирований, вводимых в очаг.

Выводы. Таким образом, важнейшим элементом в сохранении жизни людей, попавших в зону поражения является их эвакуация из опасной зоны и своевременное оказание медпомощи по жизненным показаниям.

БИОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ВАГИНАЛЬНЫХ ЛАКТОБАКТЕРИЙ ВЫДЕЛЕННЫХ У ЖЕНЩИН С БАКТЕРИАЛЬНЫМ ВАГИНОЗАМ

Жанабаева А.К¹., Курбанова С.Ю¹., Абсаттарова В.К.²

*Ташкентский государственный стоматологический институт,
Медицинский институт Каракалпакстана*

Вагинальная среда контролирует специфическую по составу микрофлору влагалища, а микрофлора, в свою очередь, формирует вагинальную среду. Совокупность микроорганизмов, обитающих в этой анатомической нише, принято именовать микробиоценозом влагалища, при этом качественный и количественный состав микрофлоры носит индивидуальный характер. Нормальная флора влагалища здоровой женщины репродуктивного возраста представлена преимущественно видами рода *Lactobacillus*. Защитная функция лактобацилл реализуется несколькими путями, главным их свойством является способность продуцировать молочную кислоту и перекись водорода.

С учетом вышеизложенного, мы поставили перед собою цель изучить биологические свойства вагинальных лактобактерий выделенных у женщин страдающими с бактериальным вагинозам. Изучен материал из генитального тракта 22 женщин с диагнозам бактериальный вагиноз и контрольная группа - 15 здоровых женщин фертильного возраста. В процессе проведения микробиологических исследований, нами, особое внимание было уделено культурам лактобактерий, как основной флоре гениталий.

Результаты и их обсуждение. При проведении микробиологических исследований было уделено особое внимание на видовой дифференциации лактобактерий. Исследование показали, что в генитальном тракте этих женщин в основном встречаются 4 видов лактобактерий (*L.fermentum*, *L. acidophilus*, *L. casei*, *L. rhamnosus*). При этом, необходимо отметить, что доминирующими видами в контрольной группе были 2 вида лактобактерий, это *L.fermentum* и *L. acidophilus*, низкие показатели по встречаемости в контрольной группе принадлежат *L. rhamnosus*. Во второй группе женщин низкие показатели встречаемости утри видов (*L. acidophilus*, *L. casei*, *L. rhamnosus*) лактобактерий.

Изучение антагонистических свойств лактобактерий показало, что наибольший подавляющий рост лактобациллы оказали на стафилококки и эшерихии. Антагонистические свойства хорошо проявились у лактобактерий выделенных из генитального тракта здоровых женщин. Лучше всего антагонистические свойства

проявлялись у *L.fermentum*, *L. acidophilus* (96%). У женщин с бактериальным вагинозам (2-группа) был равен 62%.

В проведенных исследованиях перекись водорода лучше продуцировалась у *L. acidophilus*, *L. casei*, *L. rhamnosus*. Перекись продуцирующие лактобациллы были обнаружены в вагинальном отделяемом 84% здоровых женщин. У женщин с бактериальным вагинозам перекись продуцирующие лактобактерии были всего 61%.

Таким образом, проведенные исследования показали, что микрофлора влагалища всё же является одним из основных компонентов вагинального микробиоценоза и следует считать целесообразным рекомендовать эубиотика лактобактерина (приготовленные из штаммов *L.fermentum*, *L. acidophilus*) в комплексных лечении, для женщин с бактериальным вагинозам.

COVID - 19 КАСАЛИГИНИНГ БАКТЕРИАЛ КОИНФЕКЦИЯСИНИНГ АНТИБИОТИКОТЕРАПИЯСИ

Жумамуродов С.Т., Нурузова З.А.

Тошкент тиббиёт академияси

Коронавирус инфекциясига чалинган беморларда бактериал ва замбуруғли инфекциясига оид мавжуд адабиётлар кўриб чиқилди ва қуйдагилар аниқланди.

Scopus, Google scholar, MEDLINE, EMBASE ва Web of Science малумотлар базасидан коронавирус ва бактериал қўшма инфекция бўйича кенг қамровли қидирув мезонлари ёрдамида қидирилди. Коронавирус (SARS-CoV-2 ва бошқа коронавирус деб таърифланган) ва бактериал / замбуруғли коинфекция билан касалланганлар учун клиник маълумотлар инглиз, рус, хитой ёки италян тилларида тақдим этилган. Бактериал ва замбуруғли инфекциялар, даволаш усуллари ва натижаларини тавсифловчи маълумотлар изланди.

Адабиётлар тахлилида 1556 мақолалар аниқланди. Шуларнинг орасидан ўн саккизта тўлиқ матнли бактериал ва замбуруғли коинфекция ҳақида хабарлар топилди. Кўпгина тадқиқотларда бактериал ва замбуруғли коинфекцияси аниқланмади ёки хабарлар топилмади (85/140; 61%). 18та тадқиқотларнинг 9 (50%)тасида COVID-19, 5 (28%) тасида SARS-CoV-1, 1(6%) нафарида MERS ва 3(17%)та тадқиқотда бошқа коронавирус ҳақида хабар берилган.

COVID-19 га келсак, беморларнинг 62/806 (8%) касалхонага ётқизиш пайтида бактериал ва замбуруғли инфекцияси билан биргаликда инфекцияни юқтирганлиги ҳақида хабар берилган. Иккиламчи таҳлиллар бактериал

коинфекция учун етарли далилларга қарамай, кенг спектрли антибактериал воситалардан кўпчилик ҳолатларда фойдаланилишини кўрсатди. Иккинчи даражали таҳлилда 2010 нафар беморлардан 1450 (72%) таси шу тариқада антибиотиктерапия олганлигини хабар қилишди. Антибиотик терапия қўлланилиши ҳақида назорат чоралари таърифланмаган.

COVID-19 аниқланмаган ҳолатларда 89/815 (11%) беморларда бактериал ва замбуруғли инфекция қайд этилган. Кенг спектрли антибиотиклардан фойдаланиш тўғрисида хабарлар мавжуд.

Коронавирус билан боғлиқ бўлган нафас олиш йўллари инфекциясига чалинган беморларга кенг спектрли эмпирик микробларга қарши воситаларни тез-тез буюришларига қарамай, нафас олиш йўлларида бактериал ва замбуруғли коинфекция билан боғлиқлигини тасдиқловчи далиллар етарли емас. Хулоса қилиб айтганда, COVID-19 пандемиясига хос бўлган антибиотиктерапия сиёсатини тегишли стратегик аралашувларини қўллаб-қувватловчи истиқболли далиллар тўплами зудлик билан ишлаб чиқиш талаб қилинади.

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДАНСЎНГ БЕМОРЛАРНИНГ ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ АМБУЛАТОР ШАРОИТДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Мирзабекова О.А.

Тошкент тиббиёт академияси

COVID-19 пандемияси соғлиқни сақлаш мутахассислари учун янги коронавирус келтириб чиқарадиган инфекцияни тезкор ташҳислаш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, реабилитация ва иккиламчи профилактика билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тиббий реабилитацияни COVID-19 коронавирус янги инфекцияси билан хасталанган беморларда касалликнинг биринчи кунидан бошлаб шифохонада ва даволанишни тугатгандан сўнг уй шароитида давом эттириш тавсия этилади. Ушбу инфекция билан хасталанган беморларда тиббий реабилитация ўтказиш тўқималарга, аъзоларга ва тизимларга кислородни етказилиши ва уни ўзлаштирилишини, ташқи нафас фаолиятини, юкламаларга чидамликни ва психо-эмоционал стабилликни яхшилашга эришилади. Тиббий реабилитация беморнинг ёши, ижтимоий ва психо-эмоционал ҳолати, ёндош сурункали касалликларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашиб ва шахсийлаштириш тамойилига асосланади.

Мақсад: тиббий реабилитациядан асосий мақсад, жисмоний машқлар билан даволаш усулларидан фойдаланган ҳолда самарадорлигини босқичма-босқичма ўтказиш тамойилларига асосланиб, орқага қайтиши мумкин бўлган жараёнлар регрессиясига эришиш, ўпкада қайтмас ўзгаришлар ривожланишининг олдини олиш ва ўпканинг вентилиацион функциясини яхшилашдир.

Материал ва усуллар: стационар ва амбулатор шароитда даволанган сўнг оилавий поликлиникага мурожаат қилган турли аҳолида сатурация, тана ҳарорати, АҚБ, юрак уриши сони, даволанишнинг барча даврларида бемор ҳолатини баҳолаш ва реабилитация самарадорлигини мониторинг қилиш кўзда тутилган (пульсоксиметр, тонометр, термометр ва фитнес билан узукларидан фойдаланган ҳолда)

Олинган натижалар: COVID-19 билан касалланган беморларнинг стационар ва амбулатор шароитда даволангандан сўнг оилавий поликлиникага мурожаат қилганлар 72 %ни ташкил этди. Шулардан айнан нафас олиш тизими муаммоларидан (ҳансираш, ҳаво етишмаслиги, йўтал, ҳолсизлик) шикоят килувчилар 80% ташкил этди. Ушбу беморларда тиббий реабилитация уй шароитида ташкил этилди. Кўрсатмага кўра шифокор назоратидан ўтган ва керакли тавсияларни олган беморларга нафас чиқаришда доимий ёки узлукли мусбат босим билан нафас машқларидан фойдаланиш, ўрта даражадаги даволовчи жисмоний тарбия машқларини бажариш тавсия этилди. Уларнинг ҳавфсизлигига ишонч ҳосил қилиш учун мониторинг мосламаларидан фойдаланилди (юрак уриши сони ва уни мониторинги, пульсоксиметр, тонометр ва фитнес билан узуклари). Даволовчи жисмоний тарбия пайтида мушаклар кучини тиклаш, оёқ-қўл мушакларининг чидамлилиги ва мушакларнинг чарчоққа қаршилиқ кўрсатиш кучини ошириш учун юкламали машқларга аэробик машқларни бирлаштириш тавсия этилди. Реабилитация жараёнини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида беморларни ҳафтасига беш марта 30 дақиқа давомида жисмоний машқларни давом эттиришга ундалди. Ўз вақтида бошланган реабилитация 70% беморларда одатдаги ҳаёт тарзга тез ва максимал даражада қайтишга имкон берди.

Хулоса: Коронавирус янги инфекцияси ўтказган беморларнинг фаоллиги ва ҳаёт сифатисезиларли даражада чекланиб қолганлиги сабабли, иложи борича тиббий реабилитация тадбирларини уй шароитида ўз вақтида ўтказиш тавсия этилди. Нафас олиш тизимининг кўрсаткичларини тиклашга устувор аҳамият берадиган дастурлар тузилиб, жисмоний юкламаларга чидамлилиқни,

юкламаларни оширишни эса клиник назорат остида олиб борилди. Ўз вақтида бошланган реабилитация беморларда одатдаги ҳаёт тарзга тез ва максимал даражада қайтишга имкон берди.

ОСОБЕННОСТИ СБОРА И УТИЛИЗАЦИИ ОТХОДОВ ПРИ ПАНДЕМИИ COVID-19

Миршина О.П., Воронина Н.В.

Служба санитарноэпидемиологического благолучия и общественного здоровья Республики Узбекистан, Ташкентский Фармацевтический институт

В мире серьезной проблемой в период коронавирусной пандемии стали сбор и утилизация медицинских отходов. В связи со значительным увеличением масштабов пандемии сильно вырос объем медицинских отходов в мусоре. Это привело к тому, что во многих зарубежных странах, таких как Италия, Германия, Франция смягчены правила раздельного сбора мусора.

В результате того, что в Узбекистане большая часть контактных лиц и больных с легкой формой течения коронавируса, проходят наблюдение и лечение на дому, объем медицинского мусора резко вырос из-за смешивания медицинского мусора с бытовыми отходами.

Согласно классификации деления медицинских отходов, все, с чем соприкасаются больные с COVID-19 (медотходы, бытового мусор, одноразовая посуда, пищевые отходы, постельное белье и др.), относят к отходам категории Б (эпидемиологически опасным). Такой мусор должен собираться в специальные герметичные пластиковые тары желтого цвета, а пластик в специальные желтые полиэтиленовые пакеты плотностью 13 микрон. Его необходимо сжигать, либо стерилизовать паром или подвергать химической дезинфекции перед вывозом на свалки.

Существуют различные способы утилизации медицинских отходов. В крематорах, инсинераторах, печах медицинские отходы утилизируют путем **сжигания**. Любые органические фрагменты разлагаются на простейшие вещества, которые не представляют опасности.

Некоторые отходы, например, флаконы из-под медикаментов, пропускаются через специальные измельчители, где их раскалывают и утрамбовывают. После этого полученную массу обеззараживают и утилизируют мусор как твердые бытовые отходы.

Французы используют печи-инсинераторы пиролизного типа, в которых обезвреживают опасные медицинские, биологические и токсичные

отходы. Пиролиз происходит при отсутствии кислорода с образованием ряда ингредиентов. Органические вещества отходов превращаются в так называемый пиролизный газ и остаток в виде негорючих минерализованных соединений или золу.

Для утилизации медицинских отходов г.Ташкента и его области на полигоне Уртасарая были установлены печи-инсинераторы высокой мощности итальянского производства. Опасные отходы сжигаются в кратчайшие сроки и по европейской технологии. За день уничтожается до 7-8 тон опасных отходов.

Таким образом, в Узбекистане сбор и утилизация медицинских отходов проводится в соответствии с мировыми стандартами.

ОСОБЕННОСТИ ВЛИЯНИЯ ПАНДЕМИИ COVID-19 НА ЭКОЛОГИЮ

Миршина О.П., Воронина Н.В., Саломова Ф.И.

*Служба санитарноэпидемиологического благолучия и общественного здоровья
Республики Узбекистан, Ташкентский Фармацевтический институт,
Ташкентская Медицинская Академия*

Пандемия коронавирусной инфекции COVID-19 затронула все сферы жизнеобеспечения человечества, и оказала существенное влияние на экологическую ситуацию во всем мире. Реализуемые ограничительные меры повлекли приостановку деятельности промышленных объектов, уменьшение объема выработки электричества, резкое снижение автомобильного, авиа- и железнодорожного передвижения. В сложившихся обстоятельствах, согласно исследованию финских ученых, за счет резкого снижения интенсивности транспортного передвижения и промышленного загрязнения воздуха, выброс оксида азота сократился на 40% и на 10% – частиц РМ 2,5. В Китае объем выброса вредных веществ угольных электростанций в атмосферу сократился на 40%. А уровень углекислого газа, образуемый крупными производственными предприятиями и транспортом, снизился на 25%. Подобные процессы были зафиксированы в промышленных городах высокоразвитых стран мира.

Аналогичная тенденция была отмечена и отечественными специалистами в области охраны окружающей среды. Так, мониторинг исследований воздушной среды в городе Ташкенте показал, что концентрация таких загрязнителей воздуха как диоксид серы, диоксид азота, углекислого газа снизилась с ранее высоких уровней до допустимых нормативных показателей. Кроме того, содержание в

атмосферном воздухе столицы мелкодисперсных взвешенных частиц по сравнению с аналогичным периодом прошлого года снизилось в 20-30 раз.

Таким образом, можно констатировать, что период органичительных мер благотворно повлиял на состав атмосферного воздуха.

В тоже время возникла проблема загрязнения акваторий океана пластиком и почвы резко возросшим объемом медицинского мусора. Накопление мусора и стихийный его сброс в водоемы наносят существенный вред экологии.

Другой проблемой в период короновирусной пандемии для многих стран стало увеличение потребления населением водопроводной воды. Самоизоляция населения и медицинские рекомендации частого мытья рук, содержания в чистоте тела, одежды, жилых помещений и др. привели к повышенному расходу воды.

Таким образом, влияние пандемии COVID-19 носит неоднозначный характер. Более того, многие ученые высказывают мнение, что по мере снижения уровня заболеваемости короновирусом, смягчении и снижении органичительных мер, а также восстановлении экономики экологическая ситуация ухудшится.

ЎЗБЕКИСТОНДА COVID-19НИ ТАРҚАЛГАНЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маматкулов Б.М.Нематов А.А.

Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби, Тошкент тиббиёт академияси

Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2019-2020-йилги короновирус эпидемиясини пандемия ҳамда халқаро соғлиқни сақлашнинг фавқулодда ҳолати (Public health emergency of international concern (PHEIC)) дея белгилади[WHO,2020]. Бугун дунёда короновирус инфекцияси (COVID-19)-SARS-CoV-2 (оғир ўткир нафас олиш синдроми короновируси-2) келтириб чиқарадиган юқумли касаллик илк мартаба 2019-йилда Хитойнинг Ухан шаҳрида аниқланди.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида эпидемиологик ҳолат хали ҳам барқарорлашгани йўқ ЖССТ (Жахон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти) маълумотларига кўра 28.01.2021 ҳолатига кўра дунёда 101млн 441минг 177 нафар одам короновирус инфекциясидан зарарланди шундан 2млн 184 минг 273нафар одам бу касаллик таъсирида вафот этди. Бундан ташқари ҳозирги кунда короновирус инфекциясининг янги штамми кўпгина давлатлар орасида аниқланиб бормоқда.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Республикамизда март-декабрь ойларидаги COVID-19 нинг расмий статистик маълумотлари, 2020-йилдаги асосий демографик кўрсаткичлар (аҳоли сони, аҳолининг зичлиги). Covid-19 билан даволаниб чиққан беморлар .Ёппасига кузатиш, ретроспектив, статистик усуллар.

Натижалар. Юртимизда COVID-19 инфекциясини юқтирганлар бугунги кунга қадар 78510 (28.01.2021й) нафарга етди шундан вафот этганлар сони 621 (28.01.2021й) нафарни ташкил қилмоқда. Бугунги кунга қадар юртимиздаги эпидемиологик ҳолат бироз барқарорлашди, аммо бу дегани хали биз бу вирусдан бутунлай халос бўлдик дегани эмас, олинган статистик таҳлилларга асосан юртимизда ўтган йилнинг июль-октябрь ойларида касалланиш кўрсаткичи 58429 (76%) нафарини ташкил этди. Фақат июль-август ойининг ўзида 43.4%, касалланишнинг энг юқори чўққиси август ойига тўғри келиб, ушбу ойда жами йилнинг 10 ойлигида касалланганларнинг 25,2%ни ташкил этди. Республикамиз ҳудудларида жумладан Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Андижон вилояти жами касалланганларнинг 69047 (88%) (28.12.2020й) нафарини ташкил қилмоқда. Республикамизда аҳоли зичлиги йил бошига (1кв.кмга тўғри келадиган аҳоли сони) 75.5 ни ташкил қилган бўлса Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 7699.6ни, Андижонда 727.4ни, Наманганда 377.8ни ташкил қилмоқда демак бундан хулоса қилишимиз мумкинки Республикамизда COVID-19 нинг ҳудудлар бўйича тарқалганлик даражаси шу ҳудуд аҳолиси зичлигига кучли даражада боғлиқ ($r=0.87\pm 0,02$).

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Норбоев Х.Н.¹, Расулов Ш.М.²

¹Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Тошкент шаҳри

*²Тошкент тиббиёт академияси, эпидемиология кафедрасидокторанти,
Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4790 сонли қарори бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсади республика, вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги соҳа ходимлари эътиборига етказилди, қўйилган топшириқлардан келиб чиқиб, устувор вазифалар белгиланди. Хизматнинг ташкилий-таркибий тузилмалари, штат жадваллари, соҳа мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Савдо-саноат палатаси, манфаатдор идоралар билан биргаликда озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини жорий қилиш бўйича меъёрий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юқумли касалликларни аниқлаш, беморлар тўғрисидаги шошилиш хабарни етказиш, тегишли тиббий ҳужжатларни тўлдириш, сақлаш ва юритиш каби тадбирлар билан боғлиқ мутахассисларнинг иш юкмасини тизимга замонавий электрон ахборот алмашинувини жорий қилиниши орқали кескин камайтириш мақсадида тегишли вазирликлар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқариш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Битта тизим бўлган санитария-эпидемиология хизматини иккига ажратилганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, шу сабабли иккита тизим яна бирлаштирилди ва ягона тизимга айлантирилди, шунингдек, республикамизда янги пайдо бўлган юқумли касалликларни тезкор ўрганиш, илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Республика ихтисослаштирилган Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди.

Таъкидланганлардан келиб чиқиб, келажакда Халқаро андозаларга жавоб берадиган, республика аҳолисига профилактик ва эпидемияга қарши чоратадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошира оладиган тиббий-профилактика соҳасида кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Тиббий-профилактика соҳасида (эпидемиология, гигиена, санитария, микробиология ва жамоат саломатлиги ва бошқалар) таълим бериш жараёнида иштирок этаётган профессор-ўқитувчиларни амалиётда олиб борилаётган ишлар, қабул қилинганган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мунтазам таништириб бориш ва айнан ушбу мутахассисларнинг бу каби ҳужжатлар лойиҳаларини

тайёрлаш ҳамда мутахассисларнинг салоҳиятини ошириш ишларида бевосита иштирокини таъминлаш;

- Тиббий-профилактика соҳасида таълим олаётган талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларнинг ўқув-соатлари ва дарсларни амалиёт билан уйғунлаштириш ҳам ўқув жараёнига амалий тиббиёт вакиллари ҳам жалб қилиш;

- Докторантлар ва мустақил изланувчиларга Санитария-эпидемиология хизматининг статистик маълумотларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш, илий изланишларини ва лаборатория текширувларини соҳанинг амалий муассасаларида амалга оширилишига шароит яратиб бериш.

ЗНАЧЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В ЖИЗНИ СТУДЕНТА

Разакова Ф.С.

Национальный университет Узбекистана имени Мирза Улугбека

Как известно, будущее любого государства находится в руках молодого поколения и по этой причине в нашей стране молодежи уделяется особое внимание. В целях создания в нашей стране необходимых возможностей и условий для воспитания здорового и гармонично развитого поколения необходимость физического воспитания и спорта имеет особое значение. Поскольку в условиях цифровой технологии наша молодежь все более становится пассивным человеком. Поэтому спорт в физическом воспитании студента представляет собой одно из основных направлений системы физического воспитания, которое должно формировать прикладные знания, физические и специальные качества, умения и навыки, способствующие достижению готовности человека к успешной деятельности.

Физические упражнения окажут положительное воздействие, если при занятиях будут соблюдаться определенные правила. Необходимо следить за состоянием здоровья - это нужно для того, чтобы не причинить себе вреда, занимаясь физическими упражнениями. Следовательно, физические упражнения не должны осуществляться самопроизвольно. Физическое воспитание студентов имеет различные задачи. При этом профессиональный спорт имеет свои задачи, а спорт, используемый в физическом воспитании студентов на занятиях в вузах свои. Исходя из этого, задачи спорта в физическом воспитании студента можно

подразделить на общие и специальные. При том общие задачи можно подразделить, на: оздоровительные, воспитательные и образовательные.

В свою очередь специальные задачи спорта в физическом воспитании студента направлены на всестороннее физическое развитие и достижение высокого уровня физической подготовленности учащихся; преимущественное и специальное развитие физических качеств, особенно важных для данной профессиональной деятельности; формирование и совершенствование двигательных навыков, помогающих успешно овладевать профессиональной деятельностью; - подготовку к работе в специфических условиях труда, характерных для будущей деятельности учащихся; воспитание специфических волевых качеств; содействовать повышению производительности труда работающих; способствовать ускоренному обучению профессии и подготовке человека к высокопроизводительному труду; - создавать условия для активного отдыха трудящихся, обеспечивать профилактику производственного травматизма и бороться с производственным утомлением работающих средствами физической культуры и спорта.

Таким образом, навыки спорта в процессе физического воспитания, преследуют задачи, которые состоят в том, чтобы сформировать и довести до определенной степени совершенства необходимые двигательные умения, навыки и связанные с ними знания. При этом основным предметом обучения являются рациональные двигательные действия, включающие систему взаимосвязанных движений. Особенности двигательных действий и закономерности формирования двигательных умений и навыков во многом определяют дидактические особенности физического воспитания.

ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРДА ТАРҚАЛГАНЛИГИ

Расулов Ш.М.

*Тошкент тиббиёт академияси, эпидемиология кафедраси, (PhD) докторанти
Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри*

Эхинококкоз касаллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда эхинококкоз билан 1 миллиондан ортиқ киши зарарланган. Сўнги ўн йилликларда эхинококкоз билан касалланишнинг ўсиши ва касалликнинг географик чегарасининг кенгайиши кузатилмоқда. Масалан Тунисда эхинококкоз сабабли ўтказиладиган жарроҳлик

амалиёти барча жарроҳлик аралашувларининг 10%ини ташкил этади. Россия Федерациясида аҳолининг эхинококкоз билан касалланишининг ортиш тенденцияси қайд этилди: ҳар йили эхинококкоз билан оғришнинг 500 дан ортиқ ҳолати қайд этилади. Россия ҳудудида 2012 йилда аҳолининг эхинококкоз билан касалланиши 2011 йилга нисбатан 7,9%га ортди.

Бугунги кунда дунёда экологик ва антропоген омиллар таъсирида ҳайвонларнинг асосий цестодозларидан бири ҳисобланган эхинококкоз касаллиги дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида тарқалган бўлиб, эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамият касб этувчи хавфли касаллик ҳисобланади.

Эхинококкоз айниқса қўйчилик билан шуғулланувчи қишлоқ минтақаларида кўп учрайди, у ерда итлар сўйилган қўйларнинг ички органларини истеъмол қилиши бунга асосий сабаб ҳисобланади. Ит гўшти инсонлар овқат рационинг бир қисмини ташкил этувчи ер шаридаги минтақаларда ушбу касаллик жуда кенг тарқалган.

Эхинококкоз касаллиги яққол клиник белгиларсиз кечиши билан бошқа гельминтозлардан ажралиб туриши сабабли ушбу касаллик билан касалланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотлар берилмайди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бу касаллик тарқалган ва шунинг учун бизнинг республикамиз эхинококкоз учун эндемик ҳудуд ҳисобланади.

Мақсад: Эхинококкоз касаллигининг Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлатлар аҳолиси орасида тарқалганлигини таҳлили.

Натижалар: Касалликнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш учун эпидемиологик таҳлил усуллари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида 2005-2019 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллигининг таҳлили шуни кўрсатадики, касалланганлар сони 1556 нафардан 714 нафаргача бўлганлиги аниқланган.

Қўшни давлатлар аҳолиси орасида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлигини таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик:

- Арманистон Республикасида 2013-2018 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллиги 149 нафардан 82 нафаргача;
- Азарбайжон Республикасида 2007-2017 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллиги 11 нафардан 108 нафаргача;
- Қирғизистон Республикасида 2005-2018 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллиги 520 нафардан 1081 нафаргача;

– Қозоқистон Республикасида 2013-2018 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллиги 750 нафардан 830 нафаргача;

Тожикистон Республикасида 2013-2018 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллиги 162 нафардан 262 нафаргача учраганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, республикаимиз ва қўшни давлатларда эхинококкоз касаллиги тарқалган. Олиб борилган таҳлилларга кўра охириги йилларда турғун тенденцияда қайд этилиб турибди. Бу эхинококкоз касаллигига қарши профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва эпидемиологик ва эпизоотологик назоратини ташкил қилишни тақозо қилади.

ОСОБЕННОСТИ ПИТАНИЯ ПОЖИЛЫХ ЛИЦ В УСЛОВИЯХ КОРОНОВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ

Рустамова Б.Ж., Воронина Н.В.

Ташкентская Медицинская Академия,

Ташкентский Фармацевтический институт

Общеизвестно, что наибольшему риску заболевания коронавирусом с летальным исходом подвержены люди средней и старшей возрастной группы. Так, в Китае 87% пациентов были в возрасте от 30 до 79 лет, в США 67% пациентов старше 45 лет. Согласно с статистическими данными смертность от коронавирусной инфекции составляет в среднем 2,3%. Однако в возрастной группе 70-79 лет она составляет 8%, а среди больных старше 80 лет - 15%. Доказано, что лица, имеющие высокий иммунитет легче противостоят коронавирусной инфекции. Общеизвестно, что на иммунитет влияет множество факторов: наследственность, наличие хронических заболеваний, возраст, состояние физической активности, психологическое состояние, режим сна и отдыха, наличие вредных привычек, плохая экология, а также правильно организованное питание и др.

Для поддержания жизнедеятельности организма и коррекции состояния пожилого организма при пандемии, необходимо в первую очередь обеспечивать энергопотребность организма и обеспечить его основными питательными веществами. Как известно, в пожилом возрасте для организма характерны замедление обмена веществ и окислительно-восстановительных процессов, снижение физической активности, костной массы, дефицитом микронутриентов, ослаблением функций пищеварительной системы.

Основная задача построения рациона при коронавирусе состоит в поднятии иммунитета, формирование полноценного рациона, который будет учитывать индивидуальные потребности организма. Так, для пожилых лиц калорийность рациона должна быть в среднем 2300 ккал для мужчин и 1900-2100 ккал для женщин. Для данной возрастной категории оптимальное соотношение белков, жиров и углеводов в суточном рационе составляет 1:0, 9:3, 5. Рацион питания должен включать легко перевариваемые и усвояемые белки, имеющие полноценный аминокислотный состав. Например, творог и нежирные сыры, яичный белок, рыбу, нежирное мясо птиц и др. Потребность в жирах варьирует в пределах 60-70 г/сутки, причем 40% всех жиров должно быть представлено растительными нерафинированными маслами. Содержащиеся в них полиненасыщенные жирные кислоты, витамин Е, фитостерин, фосфатиды препятствуют образованию тромбов. В качестве животных жиров предпочтительны рыбий и молочный жиры. Для поддержания нормальной микрофлоры кишечника рацион пожилого человека должен содержать продукты, богатые клетчаткой, про- и пребиотики. В основном это овощи и фрукты, а также цельнозерновые крупы и бобовые. К продуктам, содержащие про- и пребиотики относятся нежирные кисломолочные продукты, квашеная капуста. Особое значение в рационе питания придается витаминной и минеральной составляющей, поскольку эти микронутриенты способны тормозить процессы старения.

**ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ВРАЧЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАГИ АЙРИМ
МУАММОЛАР
Юлдашев Ё. К.**

Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби, Тошкент тиббиёт академияси

Тадқиқотнинг мақсади – Юқори малакали врачларни тайёрлашда Тиббиёт олий ўқув юртлари ва клиникаларнинг биргаликдаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва тармоқлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь - июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларни шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди.

Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учуниш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олийтаълим - илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Соғлиқни сақлаш муассасалари, ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқотинститутлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар соғлиқни сақлаш тизимининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Хорижий экспертлар гуруҳи томонидан таклиф этилган тавсияларни инобатга олган ҳолда олий маълумотли тиббиёт кадрларини тайёрлаш сифатини оширишда соғлиқни сақлаш тизими ва муассасаларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика тиббиёт олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истикболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ватехнологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

**Кудияров И.А., Оринбаева З.Н., Юлдошева Н.Ғ., Джураева З.Б.,
Абдурахманова К.Р.**

Тошкент тиббиёт академияси

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатларида вужудга келган глобал эпидемиологик ҳолат - коронавирус пандемияси, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. 2020 йилнинг 16-мартидан бошлаб, Ўзбекистон ҳам “карантин” тизимига ўтди. Бу эса кўплаб соҳаларга, шу қатори таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий қилинган карантин қоидаларига мувофиқ таълим тизимининг масофавий ўқитиш усулига ўтиши кенг жамоатчилик орасида турли муҳокамаларга сабаб бўлиб, кўпчиликни таълим сифатининг пасайиб кетиши ташвишлантирди.

Ушбу тезисимизда тиббий олий таълимда 2019-2020 ўқув йилининг иккинчи ярмидан масофавий ўқитиш даврида кузатилган асосий авзалликлар ва камчиликлар ҳақидаги маълумотлар келтирилди.

Тиббий таълимда масофавий ўқитишнинг асосий авзалликлари, талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларининг ривожланишини талаб қилади, ҳар бир талаба интернетдан ўтиладиган мавзуга тегишли жуда кўп маълумотни топиши ва мавзулар бўйича кенг ва эркин ўзлаштириш мумкинчилиги яратилади, ҳаракатланишидаги қийинчиликлари бўлган талабаларга, алоҳида эҳтиёжли инсонлар учун ўқиш имкониятини яратади, ортиқча ҳаражат сарфламаслиги ва ота-она тарбиясида бўлиши, профессор-ўқитувчилар ва талабаларда ҳам компьютер технологияси бўйича савотқонлигининг ортишига сабаб бўлди.

Тиббий таълимда масофавий ўқитишнинг асосий камчиликлари, тиббий таълимда талабаларнинг анъанавий дарс жараёнида бажарадиган лаборатория ишлари ва амалий кўникмаларни масофавий ўқитиш жараёнида бажара олмаслиги, беморлар билан тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўқлиги; барча ҳудудларда интернет тармоғининг тўлиқ таъминланмаганлиги; профессор-ўқитувчилар ва талабалар узоквақт давомида компьютер олдида ўтиришга мажбур бўлиши. Бу эса гиподинамияга олиб келади. Натижада мушак тўқимаси фаолиятини пасайиши, инсон организмнинг ҳамма орган ва системасининг иш фаолиятига (биринчи навбатда, марказий асаб тизимига, қон айланиши, кўриш тизимига, ҳаракат – таянч аппарати ва модда алмашинувига) салбий таъсири кузатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тиббий таълимда малакали мутахассисларни тайёрлашда масофавий таълим тадқиқотчиларнинг педагогик ва методик нуқтаи назаридан таълимнинг бу тури анъанавий ўқитиш усули билан бирга (гибрид) олиб борилсагина таълим сифатининг яхшиланишига эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

СТОМАТОЛОГ ШИФОКОРЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА САЛОМАТЛИК ХОЛАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАРИ

Тулаганов Б.Б., Хаширбаева Д.М.

Тошкент Давлат стоматология институти, Тошкент Фармацевтика институти, Тошкент

Стоматолог шифокорлар касбий гуруҳи меҳнат фаолиятига юқори талаблар қўйиладиган тиббиёт мутахассислари бўлиб, улар руҳий ва интеллектуал юкламалар яъни доимий диққат-эътиборнинг ушлаб туриши, бошқа инсонлар саломатлиги учун маъсуллик, узоқ давом этувчи оператив хотирани ишга туширилиши, юқори фаолликдаги кўриш ва эшитиш анализаторлар ҳолати билан характерланади. Шу қаторда стоматолог шифокор кабинетлари ҳам ўзига хос меҳнат шароитлари омиллари билан улар организмига ҳар томонлама таъсир этиши мумкин.

Маҳаллий ва хорижий муаллифларининг илмий тадқиқотларига кўра, стоматолог шифокорлар саломатлиги учун хавфли бўлган етакчи ишлаб чиқариш омиллари қаторига иш вақти давомида узоқ вақт оёқда тик ва эгилган яъни мажбурий ҳолатда туриши, юқумли касалликларни юқтириб олиш хавфи остида бўлиши, сунъий келиб чиқишга эга бўлган аллергия чақирувчи токсик моддалар билан доимо мулоқотда бўлиши, рентген ва лазер нурлари билан нурланиш хавфи киритилган. Стоматолог шифокорларининг асосий иш жойлари стоматологик кабинетлар ҳисобланиб, улар йиллар давомида бир неча ўзгаришларга учраб, нафақат ташкилий шакли ва замонавий қурилмаларнинг татбиқ этилиши орқали қайта жиҳозланган, балки аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатиш услубияти жиҳатидан ҳам ўзгарди. Шу нуқтаи назардан кабинетларнинг замонавий қайта жиҳозланишига қарамасдан шифокорларининг 60% дан юқори қисми сурункали юқумли бўлмаган касалликлар билан касалланиб келмоқда. Касалланиш структурасига қараганда 1-чи ўринни нафас олиш йўллари касалликлари, 2-чи ўринни асаб тизими касалликлари ва 3-чи ўринни эса ҳаракат-таянч аппарати касалликлари эгаллаб турибти. Ҳар битта турдаги касалланишга олиб келувчи сабабаларини аниқлаганда қуйидаги маълумотлар олинди. Нафас олиш касалликларининг кўп учрашига сабаб айнан меҳнат шароитларида микроклимат кўрсаткичларининг қисқа вақт ичида ўзгариб туриши яъни ишлатилаётган кондиционерлар ҳисобига ҳона ҳарорати кескин кўтарилиб, маҳаллий шамоллатиш усуллари қўлланилганда, организмда терморегулятив мослашув жараёни бузилади, гомеостаз издан чиқади. Бу жараёнда ҳона ҳавоси таркибидаги 50 нм дан кичик бўлган кимёвий моддалар нанозаррачалар ҳам таъсир этиб, организм резистентлиги тушиб кетади, аллергия ҳолат ривожланади. Кимёвий моддаларнинг таркиби ўрганилганда шифокорлар фойдаланиладиган керамик материаллар ва қоришмаларидан ажралиб чиқаётган фосфор, темир, цинк, калий, алюминий, кремний заррачалари асосий қисмини ташкил этар экан. Ушбу моддалар

тез вақт оралиғида ҳавода эркин ҳолатда учиб, организм ўпка альвеолалар мембранаси орқали қон томирларидан қонга тушади.

Тиббиёт мутахассисларининг ушбу касбий гуруҳи орасида асаб тизими касалликларининг ривожланиши уларнинг меҳнат жараёнидаги кескинлик билан боғлиқдир. Бунда асосий ролни интеллектуал юкламалар, сенсор ва эмоционал юкламалар уйнайди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат оғирлигининг кўрсаткичларидан қўл панжаларининг майда мушак ва бўғимларнинг қайталанувчи ҳаракатлари, шифокорларнинг мажбурий ҳолати эса организмда ҳаракат-таянч аппарати касалликларининг юзага келишига сабаб бўлади. Юқоридаги маълумотларга кўра стоматолог шифокорларининг хонасидаги меҳнат шароитлари, тиббий фаолиятидаги турли хил юкламалар, ишининг мураккаблиги уларнинг саломатлигига бевосита таъсир этади.

ТАЛАБАЛАРГА МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН ДАРС ЎТИШДА COVID-19 ЭПИДЕМИЯСИ ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Матназарова Г.С., Миртазаев О.М., Касимова Д.А.

Тошкент тиббиёт академияси Эпидемиология кафедраси

Коронавирус Covid-19 инфекциясига қарши кураш ва ушбу ҳасталикнинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, Республика Соғлиқни Сақлаш тизимининг муҳим масалаларига киради. Ушбу касаллик кенг тарқалишининг олдини олиш нафақат Соғлиқни Сақлаш тизими, балки ҳукумат миқёсида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Соғлиқни сақлаш тизимида бўйсунадиган барча тармоқлар эпидемияга қарши курашда иштирок этишлари шарт (ҚОП, оилавий поликлиникалар, болалар шифохона-лари, тез ёрдам марказлари, кўп тармоқли шифохоналар, кардиология, эндокринология, дерматология, неврология, гематология, кўз касалликлар шифохоналари, хусусий клиникалар, диагностик марказлар, санитария-эпидемиология осойишталиги марказлари, дам олиш сихатгоҳлари, тез ёрдам марказлари ва ҳ.к.). Ушбу ташкилотларда хизмат қилаётган шифокорлар мутахассисликларидан қатъий назар коронавирус Covid-19 ҳасталигининг ташҳиси, клиникаси, профилактикаси борасида керакли маълумотга эга бўлишлари керак.

Covid-19 ҳасталигининг Республика миқёсида кенг тарқалиб кетишининг олдини олишда ички ишлар вазирлиги, фавқулотда вазият вазирлиги, темир йўл,

ҳаво йўллари транспорт агентликлари вазирликлари, Давлат хавфсизлиги ташкилотлари, Ўрта ва Олий таълим вазирлиги, мактабгача таълим вазирлиги, банклар, нодавлат ташкилотлар, маҳалла кўмиталари ҳамда Ўзбекистон фуқаролари волонтерлари иштирок этиши зарур.

Республика миқёсида талабаларга қуйидаги тадбирлар ўтказилиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида коронавирус Covid-19 эпидемиясининг олдини олиш ва профилактик чора-тадбирлар олиб боришни ташкиллаштириш учун давлат комиссияси тузилиши шарт.

Санитария-эпидемиология давлат комиссияси томонидан қуйидаги тадбирлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Чет элда бўлган ва қайтиб келаётган барча Ўзбекистон фуқароларини 14 кунга алоҳидалаш. Ушбу фуқароларни коронавирус Covid-19 га текшириш ва уларда кундалик ҳароратини ўлчашни ташкил қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини эпидемия кузатилган даврда чет элга чиқиш вақтинча тўхтатиш.

3. Болалар боғчалари, яслилар, мактаблар, институтлар, университетлар, коллежларнинг эпидемия тугагунча фаолияти тўхтатилади (ушбу ташкилотларга карантин эълон қилинади).

4. Театрлар, стадионлар, ресторанлар, чойхоналар, ошхоналар катта ва кичик буюм дўконлари, меҳмонхоналар, машиналарга техник ёрдам кўрсатиш шаҳобчалари фаолияти эпидемик вазият барқарор топгунча тўхтатилади.

5. Авиа ва темир йўл одамларга хизмат турлари шаҳар транспортлари, такси хизматлари, метро фаолияти эпидемик ҳолат барқарор топгунча тўхтатилади.

6. Ўзбекистон фуқаролари зарурий вазият вужудга келмаганда ўз уйларидан чиқмаслик жорий қилинади ва уйда эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилади (аҳоли карантинга олинади).

7. Эпидемияга қарши кураш, санитария-эпидемия чора-тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон ва ҳудудий телевидения, радио, газета ва журналлар орқали тарғибот ўтказишни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

8. Республиканинг барча ҳудудларида: аҳоли кўп йиғиладиган жойлар, кўчалар, давлат ташкилотлари, кўп қаватли уйлар подъездларида дезинфекция қилишни ташкиллаштириш лозим.

9. Шахсий машиналар, скутерлар, велосипед билан кўчага чиқиш тақиқланади (фақат махсус рухсати бўлган автмашиналар юришига рухсат берилади).

